



## Муфарридлар ўзиб кетишди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка йўлида кетаётган эдилар. Жумдон деган тоғнинг олдидан ўтаётиб: «Юринглар! Бу Жумдон. Муфарридлар ўзиб кетишди», дедилар. «Муфарридлар ким, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. «Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркак ва аёллар», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳни кўп зикр қилувчиларнинг мақомини баён қилиб бердилар. Улар (зикрлари билан) ажралиб чиқиб, наъийм жаннатига юқори даражаларга эришишда бошқалардан ўзиб кетдилар. Шунингдек, У зот бу кишиларни бошқа тоғлардан ажралиб турувчи Жумдон тоғига ўхшатдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3719>

النجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

